



Истибдод, аввало, умуминсоний ҳуқуқларни поймол қилиши билан вахшатлидир. Сўнгра миллий раванк йўлидаги эзгу ҳаракатларга монелик кўрсатиши билан ёмон. Унинг чанғалидаги ҳудуд канчалар «вахшатаобод»га айланмасин, катта-кичик барча ниятлар канча кунпаякун бўлмасин, ҳақ-ҳуқуқи топталган элда эрк ва озодлик орзуси ё ошқор, ё пинхон шунчалар катталашади. Ҳар яхшилик ва ҳар ёмонликда биз билган-билмаган хикматлар бор!

Зулм олдида ҳар бир нарса,  
Эҳтимолки, бўйин эгар.  
Агар зулм авжга келса,  
Кўк боши-да ерга тегар.

Хайвонларга, инсонларга  
Золим эга бўлмай қолмас.  
Фақат эркин виждонларга  
Эга бўлмоқ мумкин эмас!..

Ватанда озодлик туйғуси мароми ва қучланиш даражасини бундай кезлар фақат жасур, кўркмас жонфидоларгина барометр мисоли намоён қилиб бера оладилар. Хатто оммавий зулмнинг хийла-риёсини, шакли-шамойилини, хавфи-хатари ва сабаб-оқибатини улар кўпроқ дардланиб ҳислайди. Зеро, «миллатни уйғотиш — уйғонганларнинг вазифаси».

Ўзбекнинг нодир истеъдодли ўғлонини порлоқ қилган омил нимада эди? Миллатининг шаъни-мавқеини ҳимоялаш уҳдасими? Ўлканинг бузилиш азобию талофат микёсларими? Ўз бошига тушган укубат, ноҳақликларми? Теграсидаги айғокчи, риёкор, нодонларми?.. Ҳар қалай, булар ва яна бир талай сабаб-омиллар буюқ адиб қисматининг уйғун қисмларидек навбат таллашиб шуурингизда қаторлашаверади.

Санъатлар ичида ҳеч қайси соҳа бадиий адабиётчалик серимқон бўлмаганидек, ундаги беҳад кўп омилларга боғлиқ хусусий услуб неъматини ҳам жуда кенг қамровли ботиний-зохирий ҳодисадир. Услуб—ижоднинг ҳаёт-мамоти. Айни вақтда ижод чинакам истеъдод учун қисматдир, ижодқорона яшамокнинг тақозосидир. Замона аҳли турмушида «ё бор бўлиш, ё йўқ бўлиш» қураши кетаётган бўлса, эрксизлик билан ярашиш «Мўъминларнинг оқ виждони, имони»га тўғри келмаса, ижодда муҳим талабларни номухим нарсалар гирдобидан фарқлаб танлаш иши асл ўғлонларда ҳар қачонгидан кўра қескинроқ кечади.

Мухитни муайян азоб-изтироблар оташдек киздириб турар экан, хомхаёллар, «бехуда хислар», «вафосиз севгилар»— жамики майда туйгулар чин шоирнинг турмуши ҳамда шеъриятини барвақт, бироқ вақтинча тарк этадилар:

Кўнглим курук эмас, яна севги бор,  
Факат бу севгида алданиш йўқдир.  
Хоргин кўзларимда хаёл яна бор,  
Факат у хаёллар нурдан тиникдир-

Энди хар нафасда яна куюман,  
Факат Мажнун бўлиб элни севаман.  
Унга хурмат билан бўйин эгаман,  
Бошимни «у» учун дорга кўяман!..  
(«Мен ҳам севаман», 1923)

Хакконий гоёлар кўламини беҳадик ва бешубха белгилай олгани туфайли шоирнинг шеърий оламида анъанавий тамойиллардан фаркли кўп ажиб фазилатлар мавжини кўрасиз: эрк, эркинлик, истиклол истаги тараннумига деярли барча хислар ўз ўрнини бўшатиб беради ёки шахсий майда туйгулар катта фикрлар бадий талкинига бир туртки-бахона бўлиб, воситачилик килиб туради; ўз ижодий топилдиги бўлган «кишан», «юлдуз», «булут», «амал», «бинафша», «чечак», «пўртана», «кўланка», «каптар», «соз» сингари поэтик образлар шоир кўзлаган улугвор максадларнинг ифодасига буйсунади ва хоказо.

Чунки энди шоирни оламшумул миллий дард-изтироблар доимий безовталиқ исканжасига олган. Юртдаги бу мудхиш ахволнинг сабабияти ҳам кўп: фалокатлар кўрган ота-боболар «Истиколнинг кимматини билмаган. Эл ва юртни саклар учун Тузуккина чора-тадбир килмаган». «Шул хатодан осугланиб» ёвлар эл кўксини эзади («Ёруг юлдузга», 1920). «Бир замонлар ер юзинда ўз бошли, Улуг шонли маданият тугдиргон» гўзал Шарк «Бўлди четлар панжасида кўз ёшли...» («Шарк нури», 1918). Шу боис ростгўй кўнгилга «ўз чизиги тор келди». «Огриганда» шеърининг лирик кахрамони ўша замон рухини чуқур ифода килади. Унинг «бўгик, кисик» кўнгли «кучли ўт билан ёнадир». «У ўт орасида юртнинг хаёли жонланадир...».

Эрк кафас ичра яшайди. Ўзини куткаргали интилиб, уриниб ётади. Эрк мустакиллик («ўзбошлилик») истади («Эркинлик истаги»). Лирик кахрамон элпарварлигини ва эркпарварлигини канча авжлантириб юзага чикарса, хукмрон сиёсатга муте ва бу мухитнинг илгор маддохлари шоир идрокини ноўрин хисоблашга шунчалик катгик киришади. Шоирнинг "адашув"ини зўравонларча тушунтиришга интилади. Бундай кезлар шоир ўзини янада кучлироқ тафаккур ила тафтиш килиб ҳам кўради:

Ёлгиз менми кўклам чоги йиглаган?  
Ёлгиз менми хар умидда алданган?  
Ёлгиз менми кўкрагимни тиглаган?  
Ёлгиз менми севинч билан бўлмаган?  
(«Кўклам кайгуси», 1922)

Йўк, у—тўгри йўлдаги йўловчи. Инсоннинг тафаккур тарзи нечоғлик юксак макомга кўтарилмасин, илохий илм, хукматлар каршисида барибир ожиз тирик жондир. Аммо хаётий масалаларни тўгри белгилаш учун эса ожизлик ноярашиқдир. Йўк, шоир адашмаган, йўли—халк ва хак ризолигига муносиб йўл. Ва у ёлғиз ҳам эмас:

Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,  
Босгувчисин таниб бўлмаслик излар.  
Шул изларни босиб, денгизлар кечиб,  
Буюк амал билан борамиз бизлар.

Юракдаги саклаб борган амаллар  
Йўллардаги денгизлардан улугрок.  
Эзилганлар тилак тилар бу йўли  
Бурингидан тўлугрок!..  
Кенг чўллардан, денгизлардан кечайлик,  
Шаркнинг эски чигалини ечайлик!  
(«Улуг йўлда», 1920)

Шундай экан, ўз рухияти, амали тадқиқидан тўгри хукм-хулоса чиқармокка ҳам ўткир фахму заковат керак. Йўкса, яна адашиш, алданиш мумкин. Шунингдек, катъиятлилик деб, ўзликдаги хатоликни англамаслик-да номақбул ходиса. Йўк, интилишини мақбуллайдиган, дадиллантирадиган ҳаммаслак инсонлар ва гоёлар канча кам бўлмасин, у ўзлигида кўпликнинг дард-хасрати, хошиш-орзуси мужассамлигига асло шубха қилмайди:

Мен «ўзлик»дан кўпдан бери узилиб,  
«Кўплик» ичра ботиб кетган танамен.  
У «кўплик»нинг кайгусида чўзилиб,  
Кулоч отиб сузиб юрган — яна мен.  
(«Мен кочмадим», 1921)

Шахс ёки омма тақдирида рўй берган яхши-ёмон ходисотдан хайрли ўзгаришлар кутиш, ибрату хикмат туйиш — иймонга хос фазилат. Синовларнинг оний воқеалари яхшилик умидидаги хар қайси инсонни фикрлашга, хулоса чиқармокка чорлайди. У ёки бу хулосага келмок эса осон кечмайди. Бу жараён ниҳоясининг қандайлиги идрокнинг куч-қувватига боғлиқ. Вакт эса хақамлик қилади, холос. Рўй берган холат-ходиса яхшилик умидидаги, улуг гоёлар йўлидаги шахсни фақат вақтинчалик алдаши, бир чалғитиши мумкин, мустаҳкам дунёқарашини тамом издан чиқариб юбора олмайди. Лекин фойдаси бор: сабоқ ва ибрат. «Хар умидда алданган» шоир мўминга хос ишонувчанлик ва алданувчанликни, унинг «оқибат»ларини кўплаб шеърлари қаърига сингдиради, хатго хаётию ижодининг асл мазмунига айланган катта гоё-орзуси йўлида учраган сиёсий хийланинг алдамчилик эканига оид «Алданиш» (1922) шеърини ёзади. Унда юкорида кузатганимиз беназир фазилатларга бой инсоннинг, ўткир фасохат ва балогат эғасининг қатор жихатлари — жасорат, йўлида собитлик, халққа дардқашлик, истиклол деб интилувчанлик каби кечинмалари мужассам:  
Шунча ёнишлар беҳуда кетдими, кўзларига кўринган нарса саробмиди, унга алданиб

тоғлар ошдикми? Кўз каёкка каради ёки унга киприklar халал бердими? Сезги ҳам тетик, бардам эди-ку? Кўнгил-чи, жон-чи, тирикмиди, тандамиди ё кўкларда? Ахир, уни беш йил бурун хаёлий, тотли бир ишк, илохий бир мухаббат билан севган эди. Энди маълум бўлдики, барчаси хаёл, барчаси бир тотли рохат туш экан. Энди багирга огули тикан ботмокда. Гўёки каъбага осилган нарса бут экан-у, инсон адашиб унга мухаббат кўйган экан.

Чиндан-да мен бу кун севмасми бўлдим?  
Чиндан-да мухаббат ўтими сўнди?  
Чиндан-да мен бу кун тиканми илдим?  
Кўнгил бу алданишга, ох, кандай кўнди?

Лирик кахрамон характерининг жонлилик, хакконийлик ва ёкимлилик даражалари ўқувчиларга биринчи шеър оркали барча сифатлари билан аён бўла колмайди. Одатда тўлик тасаввур, таассурот шоирнинг бутун шеърятти билан танишувни талаб этади. Насрда кахрамон характерининг яхши-ёмон хамма томонлари хусусидаги тўлақонли тасаввурнинг хосил бўлиши кўпрок воқеа—эпизодлар ростлиги, таъсирчанлиги, шулардан ёки бевосита хис-туйгулар ифодасига доир психологик талкиндан келиб чикувчи тасвирларга бориб такалади. Шеърятда бошқача: шоир лирик кахрамонини, унинг характер белгиларини мукамал хис этиш ва бахолаш учун шу шеърятдаги деярли ҳеч бир намунани эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бунда яхлит тасаввур-хулосани, асосан, ички олам психологияси ходисалари инъикоси — шоир «мен»ининг ифода-изхорлари таъминлайди.

Барча шоирларда, инчинун, Чўлпон шоирда ҳам худди шундай. Бизнингча, кузатаётганингиз тадқиқимизда ҳам шу диалектик нуктаи назар беихтиёр устунлик қилаётир. Колаверса, шоирнинг лирик кахрамони кетаётган ҳақ йўлдаги унинг қайфияти манзараларига юқоридагилардан ташқари яна талай турфа мисолларни каторлаштириш мумкин. Масалан. Киши бошига тазйик, эътироз, қаршилик, зугум, маломат қаби «хужум»лар бот-бот ёгилиб турса, «хужум»лар хох маънавий, хох амалий, хох шахсий, хох ижгимоий бўлишдан қатъи назар, инсонни-ижодқорни мустаҳкам мавқе, эътиқодидан тойдира олмас-да, уларга муносабат асарларида у ёки бу даражада сезгисини беради.

Оний қайфиятлар, оний таъсирланишлар мохиятан муроса бўладими, чекиниш бўладими, не бўлса ҳам, қатта гоёларни кўзлаган шоирнинг асл мақсадига бир баҳона бўлиб, унинг назарда тутган бош гоёларига дастёрлик қилади. Бу таъсирлар зохир бўлишининг энг муҳим аҳамияти шундаки, лирик кахрамон қиёфаси янада табиий, жонли, кўнгилларга яқин намоён бўлади.

«Самон парча» (1923) шеъри шу нуктаи назардан ҳам диққатни ўзига жалб этади: лирик кахрамон рухиятида бироз умидсизлик, аччиқ тушқунлик, тамом иложсизлик дарди жўш ургандек бўлади. Аммо бу униинг йўлидаги охириги нукта, сўнги тўсик эмас. Мисралар замиридаги тағмаъно киноялар, ироник бадиий фикрлар бетимсол курашчининг ўз гоёларида дадиллигини, бардамлигини, чекинмаётганини уқтириб туради. Шеър лирик кахрамоннинг айни ҳолатига хос туйгулар тўфондаги авж нукта ифодаси билан бошланади: «Топширдим ўзимни мухитнинг эркига...»

Ўзни кийнамай, сал жкддйрок мушохада этишнинг ўзиёк окил шеърхонга бу фикр-фалсафанинг нақадар мудхиш кўламдор эканлигини, кадимдан ҳеч бир кас ҳеч қачон бу ахволотдан мосуво яшай олмаганини таъсирчан фахмлатиб кўяди. Миллионлаб одамларнинг умр исрофи, айбу гунохлари, адашув, армонлари, надомат, муросалари... барча-барча ёзилари мухит гирдобини туйфайли эмасми? Лирик қахрамон ҳам эндиликда ўз даври-мухитининг гирдобини бир сомон парча, бир похол чўпдек оқиб борар экан, ундаги «хар амал, хар ишни «хак» деб» (гарчи виждонга хилоф бўлса ҳам!) яшамокка маҳкум.

Асл ўзликдан нишона қолмагандек: «Вазминим қолмади бир узук қилча...» Мухит қучли экан, қучлигини кўрсатди: у энди бўйинини эгди, ўзини оқимнинг йўлига солди. Энди «чакмоқдек ялтираб ўчиш йўқ», «ёлгон ҳаёлларга кўчиш йўқ», энди йўлидаги, эҳтимол, орзусидаги «на исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт!» бор, кўзларида оғир бир таслим нури. Шоир ўтлик-оловлик кечмишига қарата «юзингни беркит» дея у билан видолашган бўлади.

Таҳлил этилаётган рухий ахвол тасвирида қучланишли тадрижни пайкаш қийин эмас. Мазкур ифодаларнинг давомида, ўтлик кечмишга мурожаатда «Сенда шайтонларнинг ҳаксиз зўри бор!» сатри қелади. Буни шартли равишда шеърнинг ўрта ҳулосаси, ўзигача бўлган фикрлар оқимининг якуний ҳукми деб қаралса бўлади.

Мисрадан икки мазмун англанади: а) ўзни мухит эркига топшириш, хар амал, хар ишни тўгри-нотўгри демай қилишга маҳкумлиқ, ёниб яшайдан ва хатто унинг хотирасидан воз кечишлиқ шайтонларнинг ноодил зўровонлиги туйфайли мажбурий бўлаётир; б) ёниб яшамок аҳдидан қайтармоқка уриниш — шайтонларнинг ҳаксиз ва беҳуда ҳаракати, ўтли кечмишни яшириш — вақтинчалиқ.

Мен энди худд бир сомон парчаси...  
Лекин зўр денгизнинг чексиз қўйнида;  
Жимгина борадир қирсиз қўйнимда  
Эркин кўпикларнинг аллақанчаси!..  
Қирмайман қўчаннинг боши беркига,  
Чунки «таслим» бўлдим мухит эркига!..

Албатта, шеърдаги энг салмоқдор, таъсирчан, истехзоли фикр лирик қахрамоннинг бегубор қўйнида жимгина бораётган, энди тарқок ҳолдаги «Эркин кўпикларнинг аллақанчаси!..»

Эрк сари ёниқ ҳаракатнинг, шу йўлдаги орзуларнинг барбоди чоғидаги кечинмалар тасвирига бу мисра муайян сўнгги якундир. Шу билан бирга ҳолат-кечинмага ўзига ҳос ойдинлик беради: энди эркинлик тўлқин янглиқ эмас, сачраган, кўпиклар мисоли; демак, барча сиқилиш, «надомат», «таслим»лик, ўзни ночор-оғир кўришлар эрк гоёсининг бўғилишидан қелиб қикқан умидсизлик экан; эрк умидсизлиги эса инсон ва умуман инсониятда ҳамма қамонларда ҳам вақтинчалиқдир. Шеър пафоси таҳминан шундай ҳиссиётларга қорлайди ўз ўқувчисини. Англашиладиган ташқи, ички маънолардан қатъи назар, яна муҳими шуки, шоирнинг ўзга асарларида бўлганидек, туйғулар ишончли,

самимий, барча даврларнинг ҳақпарвар кишиларига хос жонли кифаланеди.

«Самон парча»нинг Фузулий шеъриятдан олинган эпиграфи шеърни, шеър шох сатри мавқеини янада мустаҳкамлайди:

«Даҳр бир силобдир мулҳак фано дарёсина,  
Бизга саргарониз ул силоба душмиш хору хас.  
Чиркинур хору хас ул силоба ўлдукча равон,  
Етимдан дарёя роҳат мумкин ўлмас бир нафас».

«Кишан» — шоирнинг ўзигагина хос ўнлаб топилдик поэтик образларидан бири. Худди шундай номланувчи арузона ёзилган шеъри ҳам бор: қахрамон гавдасида кишаннинг излари хануз битмаган, кишан темир бармоқларининг доғи буткул кетмаган. Кишаннинг кучоғи совук-манхус, мудҳиш. «Башар тарихининг ҳар саҳфасида конли доғинг бор!» деган тўртинчи мисрадаёқ мазкур поэтик образ юксак умуминсоний умумлашма касб этади. Кишандаги юмилмас «кўзлар»нинг ҳар бири бир элга қаҳр айлайди. Ундан буткул кутулмоқлик иложи йўққа ўхшайди:

Килич бирлан сенинг эркингда кўп йиллар қолиб кетдим...  
Фақат ҳар тебранишдан кутулишликни умид этдим.

«Кўнгил» номли кичик, аммо энг машҳур шеърларидан бирида кўнгил рамзий образ сифатида ўз маъносидан ташқари инсон, халқ, Ватан, инсоният сингари маънолар кўламига эга. Аммо унда ҳам «кишан» «кўнгил»га тенг поэтик мавқеда туради, кўпмаъноли «кўнгил» эса нотик мурожаати қаратилган образ вазифасида келади:

Кўнгил, сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг?  
Ҳақорат дилни огритмас,  
Тубанлик мангу кетмасми?  
Кишанлар парчаланмасми?  
Киличлар энди синмасми?  
Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан.  
Кишан кийма, бўйин эгма,  
Ки, сен ҳам хур тугилгонсан!..

Табиийки, бу мардона, ўжар ва баравж шеърият шоир ботиний дунёсининг, дунёқарашининг тақдир бўлган намоёишидир. Баъзи мисраларида сиёсий ваъдаларга инониб кўп алданганини ифода этса, баъзан ўзининг ниҳоятда ёлғизланаётганини яширмайди. Адибга қарши бетиним чиқаётган мақолалардаги миллатчи сифатида кораланишлар, таъналар, дашномлар, таъкибларнинг иккинчи беш йиллиги шоирни қисман муроса қилишга мажбур этади. Муросасоз шеърларида мактов охангини кўқларга ўрлата олмайди. Негаки ёлгон, лекин ҳукмрон гоёларни қойилмақом юксак мадҳ этмок

унинг ўз-ўзига қўйиб келаётган талабчанлигига, истеъдод сифатига хос эмас эди. Бундай шеърларида ҳам ироник оханг-мотивлардан воз кечмайди, аксинча, бу рух лирик кахрамонига зимдан ишончилилик, жонлилик багишлаб туради, шеърларининг умрини узайтирувчи рипггалар бўлиб қолади. Айрим холатларда ўзи истагандек куйлаш имкони берилмаётганига ишора қилади.

Чин ижодкор учун бу жуда огир кечади. Бобур ёзганидек, «Не фикреким сенинг фикринг эмас, ул фикр эрур ботил, Не умреким ўтар сенсиз, эрур ул умр беҳосил!» Чўлпон гоҳида гўё тазйикан, изтироблирок, шубхаланиброк, иккиланиброк куйлаётгандек бўлади:

Бир неча йил кантаргач,  
Яна олдим созимни.  
Энди айтиб йигламас  
Кўнгилдаги розимни.  
Кўнгилдаги кудурат  
Кўтарилди, ниҳоят.  
Энди илхом манбаи —  
Кайнаб ётган шу хаёт!

Чўлпоннинг янги тузум афзаллигини, эркни, хотин-кизлар озодлигини улугловчи шеърлари ҳам йўқ эмас: «Созим», «Халк», «Кизил байрок», «Наврўз кунида», «Кўзгалиш», «Кўлам келадир», «Паранжи», «Исташ», «Мен ва бошқалар»...

Букун байрам!  
Озод ўлка ўйнаб кулади,  
Букун байрам, кизил байрок сўйлаб туради.  
Букун байрам!  
Бутун дунё меҳнаткашлари  
Умид билан юзларини бизга буради.

Бундай кувнок, умидбахш мисралар Чўлпон ижодининг ҳамма даврида яратилган. Шунингдек, жангаворлик, мардоналик кайфияти унинг лирик кахрамонини ҳеч тарқ этган эмас. Шоирнинг «Ўзбек чиновликларига» шеърдан олинган куйидаги мисралар бу жихатдан характерлидир:

Ерни ўлчанг, таноб тортинг, хандасага тўғирланг!  
Ер экувчи дехконларнинг холини ҳам хўб ўйланг!  
Таноб деган жонсиз нарса, мўлжалгача чўзилар,  
Аммо жонли дехконлар-чи, унга етмай узилар.  
Ракам билган мия билан дехкон гамин англангиз!  
Таноб тортган кўллар билан ярасини боғлангиз!  
Ўзингизни ер эгатнинг хизматига чоғлангиз,  
Ер меҳнат ёвларининг юрагини доғлангиз.

Хужумчиларидан бири: «...хали эски куйларини чуқурлаштиради. Хамон кўкламда

кўкламни кўрмайди, ўзини булутлар коплаган холда кўради. «Куюш» унга бевафо. Качон караса, уни яширинган холда кўради, кўнгли зорикади, энтикиб колади...» деб ёзади. Мунаққид ўз танкидига «муносиб» объект-шеър танлай олмаган бўлса-да, умуман, унинг бу шеърятда яширин маънолар борлигини илғаши бежиз эмасди, фикрида бир чимдим жон бор эди. Фақат бу ҳулосанинг шоирни ҳамон душман дейиш учун керак бўлаётгани дахшатли эди. Сиёсатнинг, мафқуранинг талай югурдаклари ва, афсуски, баъзи хамсафларнинг билиб-билмай қилаётган нотўғри танкидлари сезими буюк истеъдод эгасини катлгоҳ томонга тобора яқинлатишга кўмак бермоқда эди.

Адиб Хайриддин Султонов ўзининг «Шоирона, дарвешона бир маъно» номли теран тахлилли ажойиб мақолада ҳаёт канчалик оғир, канчалар укубатли бўлмасин, улуг ижодкорларга хос турмуш ва борликдан хикматлару шоирона, дарвешона маънолар кидириш, топиш, уларни авлодларга бетакрор колдириш жасорати хусусида фикрлайди. Хайриддиннинг «сохта ва машъум адабий андозалар кўплаб ноёб истеъдод эгаларини синдириб, кул қила бошлаган бир пайтда» яшаган Абдулла Кодирий феномени борасида ёзган куйидаги муболагасиз ҳулосалари Чўлпон таъриф-тавсифига ҳам тўла ярашиқ: «... Ва бу ҳаракатларнинг барчасидан пировард натижа ўларок тўқилган дарё-дарё кон, топталган тақдирлар, чалқаш ва фожиали қисматлар, маданият рипггаларининг узилиши, юз йиллик тарихий анъаналарнинг инқори, адашган авлод армони... мана шунингдек, маънавий аросат майдонида туриб ҳам юрагига шеър ишки, тоза, муқаддас сўз муҳаббатини сизгидира оладиган киши қалбан қанчалар юксак, руҳан қанчалар неқбин бўлиши лозим!..»

Чўлпоннинг ҳар турли ижодида баъзи замонавий зиддиятларнинг борлиги, аслида, сир эмасди. Барчада бўлганидек, жузъий нуқсонларнинг ҳам мавжудлиги табиий эди. Аммо буларни унинг ўлиmidан сўнг ҳам «кўқариши»га йўл бермаслик учун асос қилиб келингани янада оғир ижтимоий ҳатолик бўлди. Шоир шеърятининг ҳамма мураккаблигини даврнинг ўзидаги чигалликлар, қийинчиликлар ва янгиликлардан келиб чиқиб, услубий хусусиятларини инобатга олиб ҳисламок, баҳоламокка узок замон ҳеч ким ботинолмади. Фақат аср охирларида зукко ватанпарварларнинг, Л. Азиззода, А. Алиев, О. Шарафиминов, И. Ҳаққулов, Д. Қуроноқ сингари адабиётшуносларнинг, бир қатор қатта-қичик адибларнинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина Чўлпон билан қизиқиш ва, кечикиб бўлса-да, танишув қучайди.

Чўлпон жуда мураккаб, қигал ва қалтис муҳитда яшаб, ҳушомаддан йирок бўла олишликнинг, балоларга қарши инқорчиликнинг, улугвор мақсадлар йўлида уйғоқликнинг қин ҳақғўй истеъдодга муносиб намунасини кўрсатиб қетди. Унинг бутун фаолияти замирида дунёни эзуликлар, адолатлар тантанаси ичра кўриш, ҳар қандай мустамлақачилиқни тан олмаслик, ўз юртини озод қилиш, халқни уйғоқлик ва оғоҳликка қақариш қаби туйғулар тараннуми етакчилик қилди. Бу унинг ўзига ҳос жиҳоди бўлди ва бунга у ҳақли-ҳақдор эди. Ўзининг эмас, Ватанининг манфаатларини ҳимоялаш учун яшади. Бирокки, бошқа эркинликлар қаторида сўз эркинлигини топтаган жамият унинг инсоний ва ижодий ҳуқуқларини оёқ ости қилди.

Адиб умри танг вазият ҳуқмрон бўлган, дунё миқёсида бурилиш ва ўтишлар юз бераётган даврда қечди. Халқлар турмушининг ҳамма жаҳасида моҳиятан ҳилма-ҳил ўзгаришлар



содир бўлаётган, рўй бераётган ходисалар замирида турлича яхши-ёмон максадли курашлар кечаётган эди. Ижтимоий-сиёсий, тарихий-маданий бурилишлардан адабиётлар четда колмайди. Хусусан, ўзбек адабиётида қадимдан анъанавий келаётган усул, услуб ва шакллар замон ўзгаришлари таъсирида бошқача муносабатга дуч келди. Янги турлар, жанрлар шакллана бошлади. Хаётнинг бу синовларидан Чўлпоннинг истеъдоди четда қолиши мумкин эмас эди. Шеъриятига хос жозибатор поэтик фазилятлар унинг насрий ижодига ҳам кўчиб, ажойиб натижалар берди. Насрида ҳам шеъриятдагидек миллат кайгуси, орзу-армони, маърифатга чорлашни, шу орқали уйғок яшаб, истиклол топиш ва дунёда шарафли мавқега кўтарилиш мумкинлигини, яна талай шу каби масалаларни асосий эътибордан узоклаштирмади.

«Таъкидлаш жоизки, — деб ёзади таникли олима Нинель Владимирова, — адибнинг барча хикоялари—тугалланганлари ҳам, чизгилар холида колганлари ҳам —шоирнинг прозаси эканлигини билдириб туради... уларнинг ҳаммаси ягона бадиий олам, ягона бадиий йўналиш, ягона лирик мусикага уйғунлигини илгаш мумкин...» Олима Чўлпон хикоячилигининг кўп фазилятларини сидқидилдан холис ва юкори баҳолайди. Фойдаланганимиз кўчирмалар олинган «Миллий турмушнинг гўзал лавҳалари» мақоладаги муаллифнинг яна қуйидаги фикрлари Чўлпон ижодини тадқиқ этишда муҳим бир туктаи назар бўла олади:

«Такдири гоҳ ҳокимиятнинг ёвуз кучларига, гоҳ табиатнинг ўжар долгаларига боғлиқ бўлган инсон ҳақидаги Чўлпоннинг ўй-фикрлари, шубҳасиз, замонасининг воқелиги билан алоқадор. Бирок Чўлпон икки хавфни ҳам: ўша давр сиёсий мафкурасининг қулига айланган адабиёт зўр бериб тарғиб қилаётган беҳуда оптимизмни ҳам, дунёга қўл силтаб, кайгу, гамга берилиш тенденциясини ҳам четлаб ўта олган. Унинг иложсиз колган қахрамони ўзини йўқотмайди, умидсизликка тушмайди. Охир-оқибатда инсоний ҳисларнинг галаба қилишига бўлган ишонч қахрамонни ҳам, муалифни ҳам тарқ этмайди, Эҳтимолки, бадиий рамзнинг жозибаси ҳам Чўлпон бадиий тафаккурининг қўламдорлигида, озгина сўзлар воситасида энг муҳим нарсаларни ифода қила олишда бўлса керак. Бирок бу рамзларни бир томонлама талқин қилишга уринмаслик керак. Ҳокимият учун кураш кучайган, одамлар жаҳолат ботқоғига ботиб, бир-бирини қиришга тушган дамларда Чўлпоннинг азалий ва абадий инсоний қадриятларга мурожаат қилишининг ўзиёқ биз учун улкан аҳамиятга эга».

Дунёқарашида, мушоҳада тарзида, демакки, бадиий талқинларида икки даврнинг тарихий тўфонлари, бўронлари бутун мураккаб зиддиятлари билан гавдаланган Чўлпон адабиётнинг деярли ҳамма анъанавий ва янги шаклланаётган жанрларида илгор, самарали ижод этди. Маданият намояндаси, адабиёт ва санъат олими сифатида ҳам ўзини кўрсатди. Шу каби кўп йўналишли фаолияти, адабий мероси нисбатидан шубҳасиз шеърияти ва насри катта мавқени эгалайди.

Шеърияти муаллифнинг туркий ва эроний халқлар адабиётлари фазилятларидан, гарб маданияти ва сўз санъати дурдоналаридан жиддий боғабарлигини сездириб туради. Янги давр янғича адабиётининг реалистик тўғри ифода намунасини кўрсата олган дастлабки шоирлардан бири ҳам Чўлпон бўлди.

Хаётлиги чогида унга нисбатан килинган танкидий чиқишлар, маколалар, шунингдек, кейинги узок замонда тушуниб-тушунмай мунтазам такрорланиб келинган барча эътироз-танкидлар тахлил этилиб, умумий хулосаланса, дашномларнинг асоссиз бўлганини тасдиқловчи мудхиш бир адашувга дуч келиб, армон киласиз: яъни барча танкидий ҳукмларда шоирдан «миллатчилик» унсурлари кидирилиши ва гаразгўйлик натижасида умуман шеъриятни тушуниш коидалари, индивидуал услубга ёндашиш этикаси ҳам батамом четга суриб куйилади. Холбуки, шу олтин муносабат маданияти сакланса, ҳеч бўлмаганда, кечиримлиликка йўл очилади. Бундай мушоҳадалардан сўнг ўша мухитда «Чўлпон шоирни қандай текшириш керак?» деган мақола ёзиб, адибни имкон қадар химоя қилишга чоғланган, замондошларни уни тўғри тушунмоққа чорлаган йигирма икки ёшли Ойбек жасоратининг нега ёвузона мафкура соясида билинмай қолиб кетганлигига ажабланмаймиз.

Эндиликда шоир туйгуларининг ҳаммаси ҳам табиий, ҳаётӣ, халқ руҳининг ифодаси, ўзбек тупроғидагина эмас, кўпчилик жойларда, қардош ва яқин қўшни бўлган тожик, қозоқ, қирғиз, турқман қабил халқлар қайфиятида ҳам зоҳир аҳволнинг тасвири эканлиги теранроқ аён бўлиб бормоқда. Турли халқлар бошига тушган репрессия муносабати билан ҳўрланган, маҳв этилган миллий ижодкорлар меҳнат ва захматлари тикланаётган ҳозирги пайтда адабиёт аҳли зиммасида улкан, долзарб вазифалар турибди.

Ҳар шеърида эрк, озодлик, адолат истагини, халқнинг ҳуқуқдарини, мустақилликка элтгувчи маънавият сўқмоқларини Чўлпон шоирнинг нечоғлик чуқур идрок этгани айниқса, бугунги истиклол авлодларини хайрат ва ҳаяжонга солади. XX аср тонгидаги ўзбек адабиётининг энг ёркин юлдузи — Чўлпони бўлса-да, унинг юлдузлик ҳуқуқи аср охириларига келиб тикланди. Бу муборақ эътироф, тикланиш унинг ўзи орзулаган ва жон тиккан Мустақилликнинг — «кутилиш тонгининг нури», ҳушхабари бўлди.

Истиклол ва Чўлпон. Ўзбеклар учун бу номлар эгиз, ҳамоҳанг номлар. Истиклол ва Чўлпон доволар ошмоққа, янги авлодларга сабоқ бермоққа, баралла янграмоққа ва порламоққа ҳақли-ҳуқуқлидирлар:

Тўфоним элни босар,  
Турмуш тоғларин ошар  
Ва ўлмас, мангу яшар!..

Тохир Шермуродов  
1995 йил.